

Toshkent sh.

2022 yil 27 iyul

Nizom asosida faoliyat yurituvchi O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi "Harbiy loyiha" loyihalash instituti" davlat korxonasi, bundan buyon matnda «Loyihachi» deb yuritiladi, boshlig'i LMVB H. Qudratov bir tomondan, Nizom asosida faoliyat yurituvchi Toshkent viloyati hokimligi "Yagon buyurtmachi xizmati" Injiniring kompaniyasi, bundan keyin «Buyurtmachi» deb yuritiladi, nomidan direktori A. Rahmonov ikkinchi tomondan, «Tomonlar» birgalikda mazkur qo'shimcha kelishuvni quyidagilar to'g'risida tuzdilar:

1. «Loyihachi» «Buyurtmachi»ning topshirig'i bo'yicha belgilangan muddatda "Toshkent viloyati Chirchiq shahrida 71201 harbiy qism 7 va 8 harbiy shaharchalar o'rtasidagi yo'llarni asfaltlash va hududni obodonlashtirish (loyiha qidiruv ishlari birgalikda bilan)" ob'ekti bo'yicha shartnoma qiymati (loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqib, loyiha-tadqiqot ishlarini bajarish va davlat ekspertizasidan o'tkazib, ishni «Buyurtmachi»ga topshirish), QQS bilan 133 972 500 (Bir yuz o'ttiz uch million to'qqiz yuz yetmish ikki ming besh yuz) so'mni tashkil etadi.

2. Shundan 2021 yilda bajarilgan ishlarni amalga oshirilgan bahosi QQS bilan 120 575 250 (Bir yuz yigirma million besh yuz yetmish besh ming ikki yuz ellik) so'mni tashkil etdi.

3. Shartnomaning 2.2. bandiga muvofiq "Buyurtmachi" tomonidan 2021 yilda 30% avans - 40 191 750 (qirq million bir yuz to'qson bir ming yetti yuz ellik) so'm oldindan to'lov amalga oshirilgan.

4. Shartnoma bo'yicha qolgan to'lov qiymati QQS bilan 93 780 750 (to'qson uch million yetti yuz sakson ming yetti yuz ellik) so'm 2022 yilda manzilli ro'yxatga asosan o'rnatilgan tartibda amalga oshiriladi.

5. Shartnomaning mazkur kelishuvda ko'zda tutilmagan barcha shartlari o'zgartirilmagan qoladi.

6. Qo'shimcha kelishuv ikki tomonlama imzolaniib va O'zbekiston Respublikasining Moliya Vazirligi g'aznachiligida ro'yxatdan o'tkazilgandan so'ng kuchga kiradi va 2022 yil 31 dekabr gacha amal qiladi.

7. Mazkur qo'shimcha kelishuv bir hil yuridik kuchga ega bo'lgan ikki nusxada tuzilgan bo'lib, shartnomaning ajralmas qismi hisoblanadi.

Loyihachi:	Buyurtmachi:
O'R MV "Harbiy loyiha" loyihalashtirish instituti" DK	Toshkent viloyati hokimligi "Yagon buyurtmachi xizmati" Injiniring kompaniyasi
Manzil: Toshkent sh., Temur Malik ko'ch.-1	Manzil: Nuraifshon sh., Toshkent yo'li ko'ch. -90
h/r - 2150 6000 6037 7600 7001	Sh/h.r. 3023 218602740170 299 05172 016 O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi g'aznachiligining Amaliyot boshkarmasi h/r - 2340 2000 3001 0000 1010
STIR- 202 541658 MFO- 00025 OKED- 71120	STIR - 202 230 110 MFO - 00014
Bank: Toshkent sh., Markaziy Bankning Toshkent viloyat hisob-kitob kassa markazi	Bank: Toshkent sh., Markaziy Bankning Toshkent shahar hisob-kitob kassa markazi
Telefon: (71) 260 37 63	Telefon:



Boshlig'i LMVB H. Qudratov

m.o.

Bosh buxgalter T. Marajapov

Yurist

Direktor m.o.

Direktor A. Rahmonov

Yurist



Alberace

2505975, HC 997 4312900

**Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида 71201 ҳарбий қисм 7 ва 8 ҳарбий шаҳарчалар ўртасидаги йўлларни асфальтлаш ва ҳудудни ободонлаштириш (лойиҳа қидирув ишлари билан биргаликда) ҚҚС билан
88 - сонли ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

“ 18 ” XI 2021 йил

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритиладиган Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси номидан директор А.Раҳмонов ва кейинги ўринларда Лойиҳачи деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Ҳарбий лойиҳа” лойиҳалаш институти давлат корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи бошлиқ Х. Қудратов қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Лойиҳачи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида 71201 ҳарбий қисм 7 ва 8 ҳарбий шаҳарчалар ўртасидаги йўлларни асфальтлаш ва ҳудудни ободонлаштириш(лойиҳа қидирув ишлари билан биргаликда) ҚҚС билан объектининг ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари, лойиҳа-қидирув ишларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар тасдиқланган лойиҳа олди топшириғига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа ва қидирув ишларини ишлаб чиқишга, лойиҳа ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиш ва техник шартларни (АПЗ-Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш қўмитасининг 2017 йил 20-сентябрдаги №8688/3302-сонли хатига асосан зарур ҳолларда) тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва буюртмачига топшириш ишлари мазкур шартноманинг 2-иловасидаги муддатда тугатилади.

1.5. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий давлат экспертиза ҳулосасини олгандан сўнг 5 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини ва тегишли ҳужжатларни Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга оширишнинг баҳоси 1-иловага мувофиқ 133 972 500 (Бир юз ўттиз уч миллион тўққиз юз етмиш икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади, ҚҚС 15% билан ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳамда “Буюртмачи”нинг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига бюджетдан маблағ тушгандан сўнг 10 кун ичида шартнома суммасининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Лойиҳачи томонидан далолатномалар расмийлаштирилиб “Буюртмачи”нинг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига бюджетдан маблағ тушгандан сўнг 15 кун ичида амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фойз миқдоригача ишлар бажарилган деб қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари ва лойиҳа-қидирув ишлари Буюртмачига тақдим этилгандан кейин қолган маблағ топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) Буюртмачи”нинг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига бюджетдан маблағ тушгандан сўнг молиялаштирилади. Бунда “Буюртмачи” “Лойиҳачи” олдидан тўлиқ бўлмаган ёки ўз вақтида бўлмаган молиялаштириш учун жавобгар эмас.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг тегишли қарорлари асосида Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи:

- барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган шартнома нархининг ҳаммасини Лойиҳачига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин шартнома нархининг тегишли қисмини тўлаши;

- тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Лойиҳачи жалб қилиши шарт.

3.2. Лойиҳачи:

- Лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавобгардир;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўз вақтида ўтказишни ўз зиммасига олади.

- лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли;

- ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши;

- тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан ободонлаштириш, сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти корхоналари) билан келишиб олиши шарт;

- тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

- буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонида асосан объектни куришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойиҳачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назорати олиб бориши шарт;

3.5. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш лойиҳа олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслиқнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Лойихачи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Лойихачи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва ўрнатилган тартибда тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Ўртачирчиқ туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Лойихачи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини белгиланган тартибда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Лойихачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Лойихачи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар ҳамда 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ва қидурув ишларини бажариш учун календар режаси (2-илова)
- Лойиҳа ва қидирув ишлари нарҳини аниқлаш сметаси (3-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Лойиҳачи”

Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона
буюртмачи хизмати” Инжиниринг
компанияси

ЎР Мудофаа вазирлиги "Ҳарбий
лойиҳа" лойиҳалаш институти" ДК

Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси 90,
Ш/хр: 302321860274017029905172016
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт бошқармаси
х/р: 23402000300100001010
МФО 00014 СТИР 202 230 110
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББХКМ

Тошкент ш., Темур Малик кўч.-1
х/р 2150 6000 6037 7600 7001
МФО 00025 СТИР 202 541 658 ОКЭД 71120
Банк: Тошкент ш., Марказий банкнинг
Тошкент вилоят Ҳисоб-китоб касса
маркази



Директор

А.Раҳмонов

Юрист-маслаҳатчи



Бошлик

Х. Қудратов

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида 71201 ҳарбий қисм 7 ва 8 ҳарбий шаҳарчалар ўртасидаги йўлларни асфальтлаш ва ҳудудни ободонлаштириш ҚҚС билан бўйича 2021 йил « 18 » XI даги 88 -сонли шартнома баҳоси 133 972 500 (Бир юз ўттиз уч миллион тўққиз юз етмиш икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади, ҚҚС 15% билан сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Лойихачи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона
буюртмачи хизмати” Инжиниринг
компанияси

Директор

А.Раҳмонов



“Лойихачи”

ЎРМВ "Ҳарбий лойиха" ЛИ ДК

Бошлик

Х. Қудратов



Лойиҳа-смета ва қидурув ишларини бажариш учун

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Т/ р	Шартнома бўйича ишлар номи	Бажариш муддати	Ҳисоб-китоб нархи, сўмда
1	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида 71201 ҳарбий қисм 7 ва 8 ҳарбий шаҳарчалар ўртасидаги йўлларни асфальтлаш ва ҳудудни ободонлаштириш ҚҚС билан объектининг ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари, лойиҳа-қидирув ишларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш	Бошланғич тўлов амалга оширилгандан сўнг 30 кун	133 972 500 (Бир юз ўттиз уч миллион тўққиз юз етмиш икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади, ҚҚС 15% билан

“Буюртмачи”

Тошкент вилояти ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати”
Инжиниринг компанияси



Директор

А.Раҳмонов

“Лойиҳачи”

УРМВ "Ҳарбий лойиҳа" ЛИ ДК



Бошлик

Ҳ. Қудратов

ЛБМ

Д. Мамажанов

Лойиҳа ва қидирув ишлари нарҳини аниқлаш сметаси № 1

Лойиҳачи: - **ЎР МВ "Ҳарбий лойиҳа" ЛИ ДК**

Буюртмачи - Тошкент вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" Инжиниринг компанияси

Бино номи, тузилиши ёки иш турлари	Қўлланиладиган ставкани асослаш ва стандарт бўйича харажатларни ҳисоблаш	Ушбу битим бўйича харажатларни ҳисоблаш минг сўмда
Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объект: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида 71201 ҳарбий қисм 7 ва 8 ҳарбий шаҳарчалар ўртасидаги йўлларни асфальтлаш ва ҳудудни ободонлаштириш ҚҚС билан жорий нархлар бўйича тахминий нарх ҚҚС билан: 5 000 000,0 минг сўм	ЎР Қурилиш Вазирлигининг 09.09.2019 йилдаги № 3180 сонли «Лойиҳалаш ва қидирув ишларининг нарҳини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи. 22.01.2016 й. 15-сонли ЎР ВМҚ Классификаторнинг 2-илова 30 боб 30.1 бандига асосан объектнинг мураккаблик даражаси -I. Объектнинг тахминий қиймати ҚҚСсиз - 4 347 826 087 сўм.	Ушбу лойиҳа учун биз қабул қиламиз:
Лойиҳа-смета ишларининг қиймати	Лойиҳа ишлари қийматининг мураккаблик даражасига кўра қурилиш қийматига нисбатан—2.4% 4 347 826 087 * 0.024	104 347,826
Топографик ишлари М 1:500		10 650,000
Экспертиза харажатлари		1 500,000
Жами:		116 497,826
ҚҚС 15%		17 474,674
Шартнома суммаси ҚҚС билан		133 972, 500

Жами: 133 972 500 (Бир юз ўттиз уч миллион тўққиз юз етмиш икки минг беш юз) сўмни ташкил қилади, ҚҚС 15% билан



Директор

Лойиҳа бош муҳандиси

Д. Мамажанов

